

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БЎТАБОЕВ ЖАСУРБЕК МАХМУДЖОНОВИЧ

**ЭХИНОКОКК КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ВА ДАВОЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАМДА ЯНГИ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**14.00.07 – Гигиена
14.00.27 - Жарроҳлик**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Бўтабоев Жасурбек Махмуджонович

Эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш

концепцияси ҳамда янги тенденциялари..... 3

Бутабоев Жасурбек Махмуджонович

Концепции и новые тенденции профилактики

и лечения эхинококковой болезни..... 25

Butaboev Jasurbek Makhmudjonovich

The Concept of Prevention and Treatment

of Echinococcosis and Emerging Trends in Its Development 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

БЎТАБОЕВ ЖАСУРБЕК МАХМУДЖОНОВИЧ

**ЭХИНОКОКК КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ВА ДАВОЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАМДА ЯНГИ
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**14.00.07 – Гигиена
14.00.27 - Жарроҳлик**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Tib900 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Шайхова Гули Исламовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қосимов Адҳам Лутфуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эрматов Низом Жумакулович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камилова Роза Толановна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Дилшод Мамадалиевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Доғистон давлат тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____да куни тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И. Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида кистоз эхинококкоз инсон тўқима ва аъзоларида *Echinococcus granulosus*нинг личинка босқичи паразитланиши натижасида юзага келувчи энг кенг тарқалган ва ижтимоий аҳамиятга эга биогельминтозлардан биридир. Касаллик сурункали кечиши, кисталар ҳосил бўлиши ҳамда жигар, ўпка ва бошқа аъзоларда деструктив ўзгаришлар ривожланишига асос бўлади. Муаллифларнинг таъкидлашича «...эхинококкоз бўйича эндемик ҳудудларда санитария-эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви, аҳоли орасида хавф гуруҳларини диспансер кузатувиغا олиш ва тиббий назоратни ташкил этишдаги муаммоларни юзага келтиради...»¹. Республикада тиббий ёрдамга мурожаат қилиш орқали аниқланган эхинококкознинг тарқалиши 100 минг аҳолига 5,82 ни ташкил қилди ва барқарор ўсиш тенденциясига эгадир. Эхинококкознинг кўзгатувчиси *Echinococcus granulosus* тасмасимон гижжа бўлиб, инсонларга юқиши зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари, сувда паразит тухумларини ютиш, яшаш жойлари яқинида чорва моллари сақланадиган жойларда паразитнинг хўжайинлари бўлган ҳайвонлар билан тўғридан-тўғри, инфекцияланган итлар билан мулоқотда бўлганда эхинококк онкосфералари билан ифлосланган қўллар, жунлари итларнинг ахлати билан ифлосланган тупроқдан онкосфералар тушган қўй ва бошқа ҳайвонлар юқиш омили бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун эхинококк касаллигининг олдини олиш, самарали ташхислаш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденцияларни ишлаб чиқиш замонавий тиббиёт соҳасининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденцияларни ишлаб чиқиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада танланган ҳудудида эхинококк касаллигининг тарқалиши ва ривожланишида гигиеник омилларнинг таъсири, хавф гуруҳларида қорин бўшлиғи аъзолари ва кўкрак қафаси зарарланиши билан кечувчи касалликнинг турли шакллари хисобга олган ҳолда овқатланиш, даволаш кимётерапияси билан иммунокоррекция ўтказиш орқали эхинококк инфекциясининг эрта ва асоратланган шакллари аниқлаш учун касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари моделини ишлаб чиқиш ҳамда жарроҳлик аралашувларини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, экологик омилларни аҳоли саломатлиги ҳолатига салбий таъсирини олдини олиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария

¹Alvi M.A., Ali R.M.A., Khan S. et al. Past and present of diagnosis of echinococcosis: A review (1999-2021). Acta Trop. 2023; 243:106925. <https://doi.org/10.1016/j.actatropica.2023.106925>.

хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденцияларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³ Эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденциялар ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: University of Cincinnati, Maimonides Medical Center (АҚШ); International Agency for Research on Cancer (Франция); University of Oslo (Норвегия); Federal University of the State of Rio de Janeiro (Бразилия); University of Pavia, Università di Pavia, Università Cattolica del Sacro Cuore, Istituto Zooprofilattico Sperimentale della Sardegna (Италия); University of Isfahan (Эрон); Universitas Sumatera Utara (Индонезия); University of Mekelle (Эфиопия); Husbandry College Tibet Agriculture and Animal Husbandry College; University of Huazhong (Хитой); Democritus University of Thrace (Греция); Datta Meghe Institute (Ҳиндистон); University of Amsterdam (Нидерландия) ҳамда Тошкент давлат тиббиёт университети, Самарқанд

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.ui.ac.id, <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov>, www.mdpi.com, gh.bmj.com; www.bio-conferences.org, cyberleninka.ru; <https://nashruz.uz>, <https://journals.tnmu.uz>, <https://media.neliti.com>, <https://en.ajums.ac.ir>, <https://www.seameo-recfon.org>, <http://www.ugr.es>, <https://www.curtin.edu.au>, <https://www.uniport.edu.ng>, <https://en.usue.ru>, <https://www.orgma.ru>, www.rnioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

давлат тиббиёт Университети, Андижон Давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон).

Эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденциялар ишлаб чиқиш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижалар олинган: алвеоляр ва кистоз эхинококкозларнинг ҳолати ва уларнинг замонавий усулларда даволаш истиқболлари ўрни исботланган University of Huazhong (Хитой); ҳомиладор аёллар жигарида эхинококк кисталарини консерватив даволаш тартиби ишлаб чиқилган University of Pavia (Италия); талокдаги изоляцияланган эхинококк инфекциясининг амалиётдаги учраш ҳолати ва уни даволаш тактикаси ишлаб чиқилган (Democritus University of Thrace (Греция); бирламчи бепуштликда бачадон найида эхинококкоз ривожланиш сабаб ва оқибатларининг ўрнини муҳимлиги баҳоланган (Datta Meghe Institute (Ҳиндистон); тибетнинг айрим ҳудудларида Хитой тоғли текис бармоқли сут эмузувчи йирик шохли мол ва қўйлардан ажратиб олинган эхинококк кисталари изолятларининг митохондриял *sox1* гени асосида генетик хилма-хиллиги ва гаплотипик таҳлилларининг ўрни исботланган Tibet Agriculture and Animal Husbandry College (Хитой); Сардиния оролида биринчи марта ташхис қўйилган эхинококк инфекциясига чалинган беморларни клиник-лаборатор ва инструментал текшириш натижалари таҳлилиларнинг ишончлилиги очиб берилган (Istituto Zooprofilattico Sperimentale della Sardegna (Италия); ёнбош-бел ва тикувчи мушакларнинг бирламчи интрамушак ва мушаклараро соҳада эхинококкознинг клиник кечишининг тавсифи исботланган Maimonides Medical Center (АҚШ); эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденциялар ишлаб чиқилган (Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденциялар ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: қорин бўшлиғи аъзолари, кўкрак қафасидан эхинококкэктомиянинг анъанавий, кам инвазив усулларида фойдаланган ҳолда даволаш мажмуасида гигиеник омилларнинг ўрни ва аҳамияти асосланган; қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси аъзоларининг зарарланиши билан кечувчи эхинококк кисталарининг жойлашувида анъанавий ва лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш; эхинококк касаллигида ишлаб чиқилган тамойилларни қўллаш орқали комплекс профилактик ва жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда эхинококкоз, айниқса чорвачилик ривожланган ва уй ҳайвонларини анъанавий усулларда сақлаш кенг тарқалган мамлакатлар долзарб зооноз инфекция сифатида сақланиб қолмоқда. Хорижий тадқиқотлар маълумотларига кўра, эхинококкоз билан касалланиш даражаси аҳолининг санитария маданияти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари ва паразитнинг охирги хўжайинлари популяцияси зичлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади (Craig P., McManus D., 2015; Brunetti E. et al., 2020; Tamarozzi F. et al., 2023). Дунё миқёсида эхинококкозни «эътибордан четда қолдирилган тропик касалликлар» қаторига киритиб, уни соғлиқни сақлаш тизими, ветеринария

хизмати ва санитария назорати даражасида комплекс профилактик чора-тадбирларни талаб этувчи ижтимоий аҳамиятга эга инфекция сифатида баҳолайди (WHO, 2020; 2023). Хорижий тадқиқотларда эндемик вазиятини сақланишида асосий омиллар сифатида дайди ва назоратсиз итлар, мунтазам дегельминтизациянинг йўлга қўйилмаганлиги, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сўйиш жараёнида санитария назоратининг етарли эмаслиги қайд этилган (Larrieu E. et al., 2019; Otero-Abad B., Torgerson P., 2021). Марказий Осиё мамлакатларида эхинококкоз эндемик касалликлар қаторига киради ва асосан чорвачиликнинг анъанавий шакллари сақланиб қолган ҳамда инсон билан ҳайвонлар ўртасида яқин мулоқот мавжуд бўлган қишлоқ аҳолиси орасида кенг тарқалганлиги асосланган (Zhang W. et al., 2020). Эпидемиологик тадқиқотларда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда эхинококкоз билан касалланиш даражаси, дунё кўрсаткичларидан юқори бўлиб, бу ҳолат ноқулай санитар-гигиеник шароит, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинмаслиги ва инвазия манбалари устидан тизимли назоратнинг етарли эмаслиги билан боғлиқдир (Usubalieva J., 2013; Kuttubaev O. et al., 2019) баҳоланган.

Ўзбекистонда юқумли ва соматик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашда функционал ва маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш борасида қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Г.И.Шайхова 2025; 2026; Н.Ж.Эрматов, 2025; 2026; Д.Ш.Алимухамедов, 2025; 2026); эхинококкоз касаллигини самарали ташхислаш ва даволаш усулларни ишлаб чиқилган (С.Э.Мамаражабов, 2022; О.Р.Тешаев, 2025; 2026; М.Ш.Хакимов, 2025;2026), бироқ, эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепциясида янги тенденциялар ишлаб чиқилмаган.

Эндемик ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий, табиий-иқлимий ва маданий шароитларнинг турлича бўлиши эхинококкоз тарқалишига таъсир этувчи омилларнинг микро- ва макро-ҳудудлар кесимида хилма-хил шаклланиши, инвазиянинг эпидемиологик ва эпизоотологик хусусиятларида ўзига хос тафовутларни юзага келтириши, билан бирга, зарарланишнинг маиший, озиқ-овқат ва касбий омилларни комплекс баҳоловчи аналитик тадқиқотлар сони ҳозирги вақтда етарли эмас. Эхинококкоз касаллигининг хавф омиллари, самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳудуднинг эпидемиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш ва самарали даволаш усуллари оптималлаштиришга қаратилган комплекс гигиеник тадқиқотларни янада кенгайтириш зарурлигини тақозо этди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Инсон касалликларини олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эхинококкоз тарқалишининг энг муҳим омилларини аниқлаш ва касалланиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда оптимал жарроҳлик аралашувларини танлаш учун унинг ривожланишида гигиеник чора-тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси ҳудудида эхинококк касаллигининг тарқалиши ва ривожланишида гигиеник омилларнинг таъсирини баҳолаш;

хавф гуруҳларида қорин бўшлиғи аъзолари ва кўкрак қафаси зарарланиши билан кечувчи касалликнинг турли шакллари хисобга олган ҳолда эхинококк касаллигида овқатланишнинг гигиеник омилларининг ўрнини баҳолаш;

даволаш кимётерапияси билан иммунокоррекция ўтказиш орқали эхинококк инфекциясининг эрта ва асоратланган шакллари аниқлаш, олдини олиш чора-тадбирлари моделини ишлаб чиқиш ҳамда жарроҳлик аралашувларини камайтириш;

қорин бўшлиғи аъзолари ва кўкрак қафасидан эхинококкэктомиянинг анъанавий ва кам инвазив усулларида фойдаланган ҳолда даволаш мажмуасида овқатланиш тартибини ишлаб чиқиш;

қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларининг зарарланиши билан кечувчи эхинококк кисталарининг жойлашувида анъанавий ва лапароскопик эхинококкэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатларини такомиллаштириш;

эхинококк касаллигида комплекс антипаразитар терапия билан цитологик тадқиқот натижалари асосида кам инвазив аралашувларда киста бўшлиғини даволашда гермицид дори воситасини қўллаш, жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсида 2016-2024 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти умумий жарроҳлик кафедраси клиник базасида даволанган пациентлар олинган. Тадқиқотнир эмпирик асосини 919 нафар эхинококкоз билан хасталанган беморлар ташкил қилиб, улар икки гуруҳга ажратилди: қиёсий гуруҳга 2016–2020 йилларда стандарт даволаш усуллари қўлланган 481 нафар беморлар учта кичик гуруҳларга ажратилган, асосий гуруҳга эса 2021–2025 йилларда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган такомиллаштирилган профилактик, ташхисий, жарроҳлик амалиёти ва ёндашувлар жорий этилган 438 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида эхинококк касаллиги билан хасталанган беморларнинг саломатлик ҳолати, шахсий гигиеник кўникмалари, яшаш шароити, касалланиш даражаси ва динамикаси, эхинококк чақирувчисининг организмига тушиш ҳолати, организмдаги жойлашуви, «Nutrilak Premium 1» озуқавий, биологик ва энергетик қиймати, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарини анъанавий турли хил жарроҳлик аралашувларининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гигиеник, ижтимоий-гигиеник, лаборатор, морфологик, цитологик, инструментал, клиник ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси ҳудудида эхинококкоз билан касалланиш даражаси, тузилиши ва динамикасини таҳлили асосида унинг тарқалиш хусусиятлари, хавф гуруҳидаги беморларда касалликнинг турли клиник шакллари инобатга олган ҳолда, овқатланиш ҳолатини тартибга солиш, иммунокоррекция ва даволаш кимётерапиясини қўллашнинг касалликнинг дастлабки шакллари аниқлашдаги ўрни исботланган;

аҳоли орасида эхинококкознинг олдини олишда ижтимоий-гигиеник омилларни тартибга солиш, турмуш шароити ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, овқатланиш тартиби, мева ва сабзовотларнинг тозалиги ва уларга ишлов бериш тартиби, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарини анъанавий ҳамда кам инвазив усуллар билан даволаш мажмуасига гигиеник чора-тадбирларни биргаликда қўллашнинг юқори самарадорлиги исботланган;

эхинококкоз касаллигида фиброз капсула бўшлиғига антисептик ва антипаразитар ишлов бериш усули (IAP7912) ишлаб чиқилган;

Фарғона водийси аҳолиси орасида эхинококкозни эрта аниқлашга хизмат қиладиган комплекс гигиеник ва даволаш-профилактик чора-тадбирлар, хавф гуруҳларида ташхислаш режаси, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарида жарроҳлик тактикасининг табақалаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган;

эхинококкознинг турли клиник шаклларида танланган гигиеник кўникмалар, пархез даволаш тартиби, комплекс антипаразитар ва иммунологик коррекциялаш ҳамда кам инвазив аралашувларда киста бўшлиғига ишлов бериш орқали асоратларнинг камайиши ва даволаш самарадорлигининг ўрни исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эхинококк касаллигида гигиеник ва даволаш-профилактика чора-тадбирлар алгоритмининг амалиётга жорий этилиши Фарғона водийси аҳолиси орасида ҳолатини эрта аниқлаш ва ташхислаш-даволаш чора-тадбирлар комплекс режаси ишлаб чиқилган;

эхинококк касаллиги эрта ташхислаш тартибига риоя қилмаслик ва кунлик овқатланиш сифатининг бузилиши, бу эса табиий иммунитетнинг пасайиши ва эхинококкоз билан касалланишнинг ортишидаги ўрни баҳоланган;

эхинококкоз бўйича юзага келган вазият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, назорат қилиш ва аҳолининг овқатланиш борасида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

эхинококк кистасининг жойлашувиини инобатга олган тартибда қолдиқ бўшлиғига ишлов беришнинг янги тартиби ишлаб чиқилган;

эхинококкнинг барча элементларига ҳалокатли таъсири туфайли мавжуд воситаларни қўллаш орқали жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сонини камайтириш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи гигиеник, ижтимоий-гигиеник, лаборатор, морфологик, цитологик, инструментал, клиник ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденцияларни ишлаб чиқишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эхинококкоз билан касалланиш даражаси,

тузилиши, тарқалиши, хавф гуруҳидаги беморларда касалликнинг турли клиник шакллари, овқатланиш ҳолати, иммунокоррекция ва даволаш кимётерапиясини қўллаш, олдини олишда ижтимоий-гигиеник омиллар, турмуш шароити ва шахсий гигиена қоидалари, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарини анъанавий ҳамда кам инвазив усуллар билан даволаш мажмуасига гигиеник чора-тадбирларни биргаликда қўллаш, фиброз капсула бўшлиғига антисептик ва антипаразитар ишлов бериш усули ишлаб чиқиш, таҳлика даражаси юқори бўлган ҳудудларда хавф омилларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасининг тизимли тартибини ишлаб чиқишнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда келтирилган тавсиялардан эхинококк касаллиги ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда ўз вақтида гигиеник ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, эхинококк касаллигини комплекс хирургик даволашнинг таклиф этилган тактик алгоритмини қўллаш жаррохлик амалиётидан кейинги специфик асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш, реабилитация даврини қисқартириш ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденцияларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: Фарғона водийси ҳудудида эхинококкоз билан касалланиш даражаси, тузилиши ва динамикасини таҳлили асосида унинг тарқалиш хусусиятлари, хавф гуруҳидаги беморларда касалликнинг турли клиник шаклларино инобатга олган ҳолда, овқатланиш ҳолатини тартибга солиш, иммунокоррекция ва даволаш кимётерапиясини қўллашнинг касалликнинг дастлабки шаклларино аниқлашдаги ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 июнда 61-/601-и-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида комплекс даволовчи-профилактик ва гигиеник тадбирлар алгоритми» ҳамда 61-/591-и-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида беморларни клиник босқичда олиб боришда даволаш-диагностика алгоритмини шакллантириш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси бўйича 06.09.2025 йилдаги 4-сон, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 04.08.2025 йилдаги 175 сон, Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Андижон вилояти бошқармаси бўйича 10.01.2026 йилдаги 04/5-сон, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 01.08.2025 йилдаги 157-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Наманган вилояти бошқармаси бўйича 13.10.2025 йилдаги 01/01-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16 февралдаги 03/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эхинококк касаллигида гигиеник ва даволаш-профилактика чора-тадбирлар алгоритмининг амалиётга жорий этилиши Фарғона водийси аҳолиси орасида касалликнинг тарқалиш ҳолатини эрта

аниқлаш ва ташхислаш-даволаш чора-тадбирларининг комплекс режаси ишлаб чиқиш, гигиеник кўникмаларни яратиш, аҳолининг саломатлик ҳолатини яхшилаш, хасталикни олдини олиш ва эрта ташхислаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ишлаб чиқилган эндемик ҳудудларида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эхинококк касаллиги билан касалланиш хавфи ва ташхисланган беморларни олиб боришнинг клиник олди ва клиник босқичларида қайтмас асоратларнинг ривожланиши (кистанинг йиринглаши, асорати, диссеминация, ногиронлик, тез-тез шифохонага ётқизиш) 80-90% гача камайиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш натижасида 241178100 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: аҳоли орасида эхинококкознинг олдини олишда ижтимоий-гигиеник омилларни тартибга солиш, турмуш шароити ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, овқатланиш тартиби, мева ва сабзовотларнинг тозаллиги ва уларга илов бериш тартиби, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарини анъанавий ҳамда кам инвазив усуллар билан даволаш мажмуасига гигиеник чора-тадбирларни биргаликда қўллашнинг юқори самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 июнда 61-/601-и-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида комплекс даволовчи-профилактик ва гигиеник тадбирлар алгоритми» ҳамда 61 /591-и-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида беморларни клиник босқичда олиб боришда даволаш-диагностика алгоритмини шакллантириш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси бўйича 06.09.2025 йилдаги 4-сон, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 04.08.2025 йилдаги 175-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Андижон вилояти бошқармаси бўйича 10.01.2026 йилдаги 04/5-сон, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 01.08.2025 йилдаги 157-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Наманган вилояти бошқармаси бўйича 13.10.2025 йилдаги 01/01-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16 февралдаги 03/65 сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эхинококкознинг олдини олишда гигиеник омилларни тартибга солиш натижасида аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш тартибининг издан чиқиши, мева ва сабзовотларни истеъмол қилишдан олдини тозаллигига риоя қилиш, уларга ишлов беришда гигиеник талабларга риоя қилиш, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарини анъанавий, кам инвазив усуллар билан даволаш мажмуасига гигиеник чора-тадбирларни биргаликда қўллаш, пациентларнинг саломатлигини яхшилаш, асоратларни олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ишлаб чиқилган эндемик ҳудудларида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эхинококк касаллиги билан касалланиш хавфи ва ташхисланган беморларни олиб боришнинг клиник олди ва клиник босқичларида қайтмас асоратларнинг ривожланиши (кистанинг йиринглаши, асорати,

диссеминация, ногиронлик, тез-тез шифохонага ётқизиш) 80-90% гача камайиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш ҳисобига 241178100 сўм маблағлари иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: эхинококкоз касаллигида фиброз капсула бўшлиғига антисептик ва антипаразитар ишлов бериш усули (IAP7912) ишлаб чиқилган лиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 июнда 61-/601-у-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида комплекс даволовчи-профилактик ва гигиеник тадбирлар алгоритми» ҳамда 61-/591-у-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида беморларни клиник босқичда олиб боришда даволаш-диагностика алгоритмини шакллантириш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси бўйича 06.09.2025 йилдаги 4-сон, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 04.08.2025 йилдаги 175 сон, Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Андижон вилояти бошқармаси бўйича 10.01.2026 йилдаги 04/5-сон, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 01.08.2025 йилдаги 157-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Наманган вилояти бошқармаси бўйича 13.10.2025 йилдаги 01/01-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16 февралдаги 03/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эхинококкоз касаллигининг олдини олишда уй ҳайвонлари ва дала шароитида мулоқатда бўладиган ҳайвонларнинг эхинококк чақирувчиси билан зарарланиши юқори бўлган ҳудудлардаги хавф омилларини аниқлаш ва олдини олиш борасида санитария маорифи ишларни олиб бориш натижасида инвазиянинг олдини олишга қаратилган гигиеник кўникмаларни шакллантириш орқали касалликни қайта тарқалишини олдини олиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ишлаб чиқилган эндемик ҳудудларида профилактик чора тадбирларни амалга ошириш натижасида эхинококк касаллиги билан касалланиш хавфи ва ташхисланган беморларни олиб боришнинг клиник олди ва клиник босқичларида қайтмас асоратларнинг ривожланиши (кистанинг йиринглаши, асорати, диссеминация, ногиронлик, тез-тез шифохонага ётқизиш) 80-90% гача камайиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш ҳисобига 241178100 сўм маблағлари иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: Фарғона водийси аҳолиси орасида эхинококкоз эрта аниқлашга хизмат қиладиган комплекс гигиеник ва даволаш-профилактик чора-тадбирлар, хавф гуруҳларида ташхислаш режаси, қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси аъзоларида жойлашган эхинококк кисталарида жарроҳлик тактикасининг табақалаштирилган алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 июнда 61-/601-у-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида комплекс даволовчи-профилактик ва гигиеник тадбирлар алгоритми» ҳамда 61-/591-у-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида беморларни клиник босқичда олиб боришда даволаш-диагностика алгоритмини шакллантириш» номли услубий

тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси бўйича 06.09.2025 йилдаги 4-сон, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 04.08.2025 йилдаги 175-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Андижон вилояти бошқармаси бўйича 10.01.2026 йилдаги 04/5-сон, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 01.08.2025 йилдаги 157-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Наманган вилояти бошқармаси бўйича 13.10.2025 йилдаги 01/01-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2026 йил 16 февралдаги 03/65 сон хулосаси).

Ижтимоий самарадорлиги: Фарғона водийси аҳолиси орасида эхинококк касаллигини эрта аниқлашга ёрдам берадиган комплекс гигиеник, даволаш-профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлиги натижасида хавф гуруҳлари ажратишда комплекс режа ишлаб чиқиш ва жарроҳлик тактикасининг табақалаштирилган алгоритми ишлаб чиқиш ва ушбу алгоритм асосида қорин бўшлиғи ҳамда кўкрак қафаси аъзоларида эхинококк кисталари жойлашганда янги ишлаб чиқилган эхинококкэктомияни амалга оширишнинг техник жиҳатлари оқибатида асоратларни олдини олиш имконини берган.

Иқтисодий самарадорлиги: мазкур ишлаб чиқилган эндемик ҳудудларида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эхинококк касаллиги билан касалланиш хавфи ва ташхисланган беморларни олиб боришнинг клиник олди ва клиник босқичларида қайтмас асоратларнинг ривожланиши (кистанинг йиринглаши, асорати, диссеминация, ногиронлик, тез-тез шифохонага ётқизиш) 80-90% гача камайиши, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш ҳисобига 241178100 сўм маблағлари иқтисод қилинади;

бешинчи илмий янгилик: эхинококкознинг турли клиник шаклларида танланган гигиеник кўникмалар, пархез даволаш тартиби, комплекс антипаразитар ва иммунологик коррекциялаш ҳамда кам инвазив аралашувларда киста бўшлиғига ишлов бериш орқали асоратларнинг камайиши ва даволаш самарадорлигининг ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 26 июнда 61-/601-у-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида комплекс даволовчи-профилактик ва гигиеник тадбирлар алгоритми» ҳамда 61-/591-у-сон билан тасдиқланган «Эхинококк касаллигида беморларни клиник босқичда олиб боришда даволаш диагностика алгоритмини шакллантириш» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Фарғона вилояти бошқармаси бўйича 06.09.2025 йилдаги 4-сон, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 04.08.2025 йилдаги 175-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Андижон вилояти бошқармаси бўйича 10.01.2026 йилдаги 04/5-сон, Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 01.08.2025 йилдаги 157-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги Наманган вилояти бошқармаси бўйича 13.10.2025 йилдаги 01/01-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий

техник кенгашининг 2026 йил 16 февралдаги 03/65-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* эхинококк касаллигининг турли шаклларида соҳлом овқатланиш қўллаган ҳолда комплекс антипаразитар ва иммунологик коррекция билан цитологик тадқиқот натижаларига асосланиб, кам инвазив аралашувларда киста бўшлиғини даволашда гермитсидларни қўллаш соф зарарсизлантирилган юқори сифатга эга рационни жорий қилиш, саломатлик ҳолатини яхшилаш, асоратларни камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур ишлаб чиқилган эндемик ҳудудларида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида эхинококк касаллиги билан касалланиш хавфи ва ташхисланган беморларни олиб боришнинг клиник олди ва клиник босқичларида қайтмас асоратларнинг ривожланиши (кистанинг йиринглаши, асорати, диссеминация, ногиронлик, тез-тез шифохонага ётқизиш) 80-90% гача камайтириш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш ҳисобига 241178100 сўм маблағлари иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 1 та монография нашр қилинган ва 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эхинококкоз касаллиги тарқалишида хавф омилларини гигиеник жиҳатлари ҳамда унинг профилактикасининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг аналитик таҳлили келтирилган бўлиб, унда эхинококкоз касаллигининг эпидемиологияси, зарарланишнинг гигиеник омиллари ва профилактикаси, беморларни ташхислаш ва даволаш муаммоларининг ўрганилганлик даражасининг ҳозирги ҳолати ёритилган. Ушбу бобда эндемик ўчоқларни шакллантирувчи асосий хавф омиллари, мавжуд

профилактик ёндашувлар ҳамда келгусида қўшимча илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини белгилаб берувчи ечимини топилмаган масалаларни ечишга қаратилган принципал муаллифлик ёндошуви танланган.

Диссертациянинг «**Эхинококк касаллигини олдини олиш ва даволаш концепцияси ҳамда янги тенденцияларни ишлаб чиқишга қаратилган материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг ҳажми, объектлари ва усуллари баён қилинган.

Тадқиқотлар 2016–2025 йиллар давомида Андижон вилоятининг турли иқлим шароити ва қишлоқ хўжалиги йўналиши билан тавсифланувчи (Асака, Шаҳрихон, Пахтаобод, Қўрғонтепа ва Жалолқудук) туманлари аҳолиси орасида эхинококкоз касаллиги билан хасталанган 919 нафар бемор ҳамда хавф гуруҳига кирувчи 189 нафар шахсда касалланиш кўрсаткичлари, гигиеник, профилактик ва даволаш чора-тадбирлари самарадорлигини таҳлил қилиш натижаларидан ташкил этган.


Тадқиқотда касалланиш даражаси ва структураси, касалланишнинг кўп йиллик динамикаси, аҳолининг турли ёш, ижтимоий ва касбий гуруҳларида эпидемик намоён бўлиш интенсивлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ барча беморлар икки гуруҳга таққослаш гуруҳини 2016 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Андижон вилоятида эхинококк касаллиги билан хасталанган ва қабул қилинган стандартлар бўйича даволанган 481 нафар бемор учта кичик гуруҳга А кичик гуруҳига 253(52,6%) нафар эхинококкоз ташхисланган беморларда 2016-2020 йиллар давомида касаллик таҳлили ва олдини олиш бўйича санитар-гигиеник тадбирлар самарадорлиги ўрганилган; Б кичик гуруҳига 101(21,0) нафар хавф гуруҳидаги чорвадор, чўпон, қассоб, кўнчи ва сут соғувчилар киритилган, 2016-2020 йиллар давомида касаллик таҳлили ва касалликни олдини олишда стандартлар бўйича санитар-гигиеник тадбирлар самарадорлиги ўрганилган.

Асосий гуруҳда 2021-2025 йилларда 438 нафар беморда уларда эхинококк касаллиги билан оғриган хавф гуруҳларида аҳолининг эпигенетик овқатланиш рационали ва гигиеник хулқ-атвори, эхинококк касаллигини эрта аниқлаш бўйича чора-тадбирлар, иммунотерапия билан биргаликда антипаразитар терапиянинг тактикаси, жаррохликдан олдинги ва кейинги эпигенетик парҳез ҳамда даволаш усуллари қўлланилган. Асосий гуруҳдаги беморлар ҳам учта гуруҳчага, А кичик гуруҳи-231(52,7%) нафар эхинококкоз билан хасталанган 2021-2025 йиллар давомида ҳақиқий овқатланиш ва эпигенетик парҳезни ўрганган ҳолда аҳоли орасида комплекс даволаш-профилактик ва гигиеник чора-тадбирлар алгоритми ёрдамида тиббий кўриклар сифатини ошириш; Б кичик гуруҳи-88(20,1%)нафар беморларда гигиеник, касалланиш таҳлили ва кичик кисталарда (5 смгача) иммунологик ва антипаразитар терапия билан санитар-гигиеник тадбирлар самарадорлиги ўрганилган; В кичик гуруҳи-119(27,2%) нафарида жаррохлик амалиёти ва биз ишлаб чиққан сўровнома бўйича овқатланиш омиллари индивидуаллаштирилган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш MS Excel 2010, Statistica 6,0 стандарт амалий дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Фарғона водийсида эхинококк касаллигининг тарқалишининг ўзига хос гигиеник таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Фарғона водийсининг учта вилоятида 2000-2024 йилларда ўтказилган проспектив таҳлилий эпидемиологик тадқиқот натижалари келтирилган. Касалланишнинг кўп йиллик ўзгаришлари, эхинококк касаллиги (ЭК) тарқалишининг ҳудудий тартибсизлиги, эпидемик жараённинг ижтимоий-демографик ва гигиеник омиллар билан боғлиқлиги таҳлил қилинган. Андижон вилоятида 2011-2013, 2015, 2017-2018 йилларда ЭК билан касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари билан ўсиш тенденцияси аниқланган (1-расмга қаранг).




1-расм. Андижон вилояти эхинококк касаллигининг тарқалиш даражаси

Ҳудудий таҳлилида кўп зарарланган бешта (Асака-11,8%, Шаҳрихон-7,9%, Қўрғонтепа-6,8%, Жалолқудуқ-6,5%, Балиқчи -6,2%) туман орқали касалланишнинг юқори ҳудудий тузилмаси шакллантирилди. Ўрганилган барча ҳудудларда бирламчи эхинококкоз ҳолатлари устунлик қилиши, қайталаниш шакллариининг улуши сезиларли даражада камлиги, жарроҳлик амалиётида тегишли ускуналар мавжудлигига қарамай, минимал инвазив технологиялар, лапароскопик аралашувларни жуда чекланган ҳолда қўллаш билан анъанавий операцияларнинг устунлиги қайд этилган. Зарарланиш даражаси юқори бўлган туманларда қишлоқ аҳолисида шаҳар аҳолисига нисбатан юқори бўлиб, бу чорвачилик амалиётининг ўрни, итлар билан тез-тез алоқа қилиш ва гигиеник кўникмаларнинг пастлиги билан изоҳланди. Касалланишнинг тарқалиши даражаси, ижтимоий ва меҳнат хусусияти билан боғлиқлиги, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган ва касбий зарарли шароитларда ишлайдиган шахслар, эпидемик жараёни сақлашда хулқ-атвор,

умумий овқатланиш шахбочларида овқатланиш ҳисобига амалга оширилганлигига боғлиқ бўлган.

Наманган вилоятида 2000-2024 йиллар маълумотларига кўра, кузатувнинг айрим йилларида энг юқори кўрсаткич (2-расмга қаранг) аниқланди.




2-расм. Наманган вилоятида эхинококк касаллигининг динамикаси

Худудларга ажратиш орқали касалланганлар орасида қишлоқ аҳолисининг барқарор устунлиги ва минимал инвазив усулларни жорий этиш билан анъанавий жарроҳлик аралашувларининг устунлиги билан тавсифланган энг юқори зарарланиш даражасига эга бўлган туманлар (Тўрақўрғон - 10,35 ва Чустда-8,85) ажратиш имконини берди. Касалликнинг тузилиши профилактик ва жарроҳлик даволаш сифатини баҳолаш учун муҳим бўлган такрорий ҳолатларнинг улуши билан бирламчи шаклларнинг устунлигини сақлаб қолган.

Фарғона вилоятида эпидемик жараённинг юқори кескинлиги кўп йиллик касалланиш чўққиси 2000-2003, 2006-2008, 2013, 2015, 2017, 2019 ва 2022 йилларда қайд этилган (3-расмга қаранг). Касалланиш даражаси юқори бўлган худудлар (Фарғона шаҳри-7,1%, Бешариқ-5,4%, Учкўприк-4,9%, Қўқон шаҳри-4,7% ва Қува туманида - 4,0%). Вилоятнинг ўзига хос хусусияти касалланганлар орасида эркакларнинг сезиларли даражада устунлиги, касбий-хулқ-атвор омиллари ва инвазия манбалари билан алоқадаги фарқлар аниқланди. Даволаш тузилмасида лапароскопик аралашувларни бир марта қўллашда анъанавий жарроҳлик амалиётининг устунлиги сақланди. Фарғона водийсининг учта вилоятининг қиёсий таҳлили яққол ҳудудий хилма-хиллиги ва касалликнинг тарқалиши ижтимоий ва гигиеник омиллар билан барқарор боғлиқдир. Жарроҳлик стационарларининг ҳақиқий маълумотлари ва расмий статистик маълумотлар ўртасида аниқланган тафовутлар жарроҳлик бўлимларида ташхис қўйишда

хабарларнинг эпизодик ва узук-юлук йўналтирилиши билан боғлиқлиги ва тўлиқ рўйхатга олинмаганлигидир.



3-расм. Фарғона вилоятида эхинококк касаллигининг энг юқори кўрсаткичлари

Олинган натижалар асосида профилактик дастурларини ишлаб чиқиш, санитария-маорифи ишларини кучайтириш, инвазия манбаларини назорат қилиш ва касалликни ташхислаш ва даволашга ташкилий-технологик ёндашувларни такомиллаштириш ва клиник амалиётда каминвазив усулларни қўллашни кенгайтириш зарур.

Диссертациянинг «Эхинококк касаллигини олдини олиш ва тарқалишида овқатланишнинг тутган ўрни» деб номланган тўртинчи бобида эхинококк касаллигининг юқиш хавфи, кечиш хусусиятларини шакллантиришда нутритив статуснинг ўрни, шунингдек, аниқлаш, ташхислаш ва даволаш босқичларида профилактик чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга бағишланган. Сўровномадан фойдаланган ҳолда 322 нафар беморда (А кичик гуруҳи - 234; Б кичик гуруҳи - 88) ҳақиқий овқатланиш рационали ва овқатланишнинг санитария-гигиена омиллари баҳоланган. Шахсий гигиена, овқат тайёрлаш қоидалари ва овқатланиш профилактикасига риоя қилиш қишлоқ кичик гуруҳларида шаҳарга (90-95% гача) қараганда анча паст (ўртача 65-70% атрофида) эканлиги аниқланган.

Қишлоқ жойларда асосий салбий омил ҳимояланмаган манбалардан сув истеъмоли, очик сув хавзаларидан мунтазам фойдаланиш респондентларнинг деярли учдан бир қисмида қайд этилган, шаҳар кичик гуруҳларида эса бу кўрсаткич минимал (4-6%) ёки умуман йўқ, ўсимлик маҳсулотларига етарли даражада ишлови бермаслик ва гигиена қоидаларига ўргатишнинг етишмаслиги комбинацияси инвазия ўчоқларини сақлаб қолиш учун шароит яратиш ва қишлоқ аҳолисининг юқори зарарланишини изоҳлади. Шифохонага ётқизилган беморларнинг овқатланишнинг таҳлилида, мутлақ овқатланишнинг физиологик эҳтиёж ва гигиеник меъёрларга аниқ номувофиқлиги аниқланди. Оқсил етишмаслиги- $62,3 \pm 11,4$ (меъёрдан 77,4%), ҳайвон оқсиллари- $29,5 \pm 4,9$ г (60,2%), ёғлар миқдори меъёрга нисбатан 58,4%гача кам, карбонсувлар (90,9%) бўлди. Рационнинг энергетик қиймати


1839,4±32,4 ккал (2400 ккал меъёрга нисбатан 76,6%) ни ташкил этди. Минераллар истеъмолини таҳлилида магний (88,0%) ва темир (90,8%)ни, кальций (66,3%) ва фосфор (64,2%)ни ташкил қилди. Энг яққол намоён бўлган витамин етишмовчилиги А витамини-162,1±10,4мкг (меъёрга нисбатан 23,2%); С, В₁, В₂ ва РР витаминлари билан таъминланганлик физиологик эҳтиёжнинг 86,7-96,7%ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, эхинококк касаллиги билан хасталанган беморларда шифохонага ётқизилганда, асосан, ҳайвон оқсили, ёғлар, кальций, фосфор ва А витамини етишмовчилиги оқибатида нутриентив статуснинг кескин бузилиши аниқланди. Ушбу ўзгаришлар организмнинг иммун тизими ва қаршилиқ даражасини пасайтириши натижасида нутритив статусни коррекциясини даволаш-реабилитация чоралари мажмуасига киритишни талаб қилди.

Диссертациянинг **«Эхинококк касаллиги билан хасталанган беморларни клиник олди ва клиник босқичларда ташхислаш-даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш натижалари»** деб номланган бешинчи бобида Фарғона водийси шароитида олинган гигиеник, эпидемиологик, клиник ва инструментал маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, клиник олди ва клиник босқичларда эхинококк касаллиги билан хасталанган беморларни комплекс ташхислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва жорий этишга бағишланган. Ушбу алгоритм эхинококк касаллигининг эрта шакллари фаол аниқлаш ва аҳоли орасида тарқалиш хавфини камайтиришда овқатланиш, сув таъминоти ва ҳайвонлар билан алоқа қилиш шароитларини баҳолаш билан скрининг, кейинчалик хулқ-атвор омилларини санитария-маърифий жиҳатдан яхшилаш ва касалликка шубҳа қилинган шахсларни чуқурлаштирилган текширувга юбориш билан хавф гуруҳларини шакллантиришни ўз ичига олди. Назорат остига олинган 438 нафар бемор (А, Б ва В кичик гуруҳлари) ўртасида сўровнома ўтказилди, унда профилактик текширувларга етарлича ишончсизлиги, иммунологик ташхисотнинг IgG жуда паст тарқалиши, инфекция йўллари ва олдини олиш борасида кўникмаларнинг пастлиги аниқланди. Ҳимояланмаган манбалардан сув истеъмоли, овқатланиш маданиятини пастлиги ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва итлар билан алоқа қилиш, сабзавот ва меваларни мунтазам истеъмолида тегишли санитария ишлови берилмаслиги аниқланди. Бу эса касалликнинг тарқалиши хавфи юқорлигини белгилайди.

Диссертациянинг **«Эхинококк касаллигида беморларни олиб боришнинг клиник босқичи ва хирургик тактикани такомиллаштириш»** деб номланган олтинчи бобида асосий гуруҳда (2021-2025 йй.) ўтказилган хирургик даволаш натижаларининг қиёсий таҳлили асосида эхинококк касаллиги билан хасталанган беморларни олиб боришнинг клиник босқичини такомиллаштиришга бағишланган. Асосий эътибор эхинококк кисталарининг жойлашуви, сони ва диаметрининг кириш йўли, ЭЭ тури, қолдиқ бўшлиқни даволаш усулини танлаш, асорат ва қайталанишларнинг олдини олиш тартибини жорий этишга қаратилган бўлиб, асосий гуруҳда (n=119) такомиллаштирилган хирургик тактикани қўлланилишида каминвазив аралашувлар улуши сезиларли ошди. Хусусан, лапароскопик эхинококкэктомия 32(26,9%), торакоскопик операция 5(4,2%), лапароскопия ва торакоскопиянинг комбинацияси 6(5,0%), пункцион усуллар

15(12,6%)нафар беморларда бажарилди. Каминвазив технологиялар 58(48,7%) нафар беморда қўлланилиб, бу операциядан кейинги асорат ва реабилитация муддатини камайтирди. ЭК қирғоқли жойлашувида-20(16,8%) ҳолатда идеал-мукаммал эхинококкэктомия амалга оширилди (4-5-расмларга қаранг).



4-расм. А исмли 34 ёшли эркак беморнинг лапароскопик усулида эхинококкэктомия усули хитин қобиғини олиш тартиби (асоратларсиз).




5-расм. Г исмли аёл бемор 44 ёшда. Ҳаётликнинг II-фазасида мукаммал усулда эхинококк кистасини капсуласи билан бирга олиб ташлаш амалиёти.

Метаболик кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, беморларнинг 50% да оксил-энергетик етишмовчилик, 20% да - озғинлик ва тўйиб овқатланмаслик, 50%да-липид алмашинувининг бузилиши, 90% гача - гиповитаминоз белгилари ва 50% да - иммунологик реактивликнинг пасайиши аниқланди.

